

СУРХОН - ШЕРОБОД ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТАҚВИМЛАРИ

Хайдаров Одил Эргашевич
Термиз давлат университети,
Эркин тадқиқотчиси
hajdarovodil188@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Сурхон воҳаси аҳолисининг йил ҳисоби билан боғлиқ қарашлари ва унинг астрономик асосларининг моҳияти ҳамда одамларнинг вақт билан боғлиқ масавурлари ва унинг хўжалик ҳаётидаги ўрни юзасидан қиёсий таҳлиллар берилган.

Калит сўзлар: тақвим, вақт, йил, фасл, ой, астрономия, ҳисоб, қуёш, кун, хўжалик, фаолият, масаввур, табиат, юлдузлар.

ABSTRACT

This article provides a comparative analysis of the views of the inhabitants of the Surkhan oasis on the calculation of the year and the essence of its astronomical foundations, as well as people's ideas about time and its role in economic life.

Keywords: calendar, time, year, season, month, astronomy, calculation, sun, day, economics, activity, imagination, nature, stars.

АННОТАЦИЯ

В данной статье дан сравнительный анализ взглядов жителей Сурханского оазиса на исчисление года и сущность его астрономических основ, а также представления людей о времени и его роли в экономической жизни.

Ключевые слова: календарь, время, год, сезон, месяц, астрономия, расчет, солнце, день, экономика, деятельность, воображение, природа, звезды.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION)

Йил, ой, ҳафта ва кунлар ҳисобини юритиш тизими арабчада тақвим (тўғрилаш, тўхтатищ, баҳолаш сўзларидан олинган), лотинчада календар (аслида “қарз дафтари”дан келиб чиқсан) деб аталади. У қуёш, ой ва сайёralарнинг ҳаракатига, кун билан тун алмашинувига, ой ўзгариши ва йил фаслларининг даврий равишда такрорланишига асосланади.

Ўтмишда ҳар қайси миллат ўз ижтимоий-сиёсий фаолиятидаги энг жиддий тарихий эврилишлар даврини ўзи учун бошланғич деб билган. Масалан, қадимги турклар ва ибронийлар дунёning яратилишини, мисрликлар самода Сириус юлдузининг кўриниши ёки Нил дарёси тоша бошлишини, юнонлар

олимпиада ўйинларини, римликлар Рим шахри қурилишини, насронийлар милодни, қадимги араблар Фил санасини, мусулмонлар ҳижратни тақвимбоши сифатида танлашган. Лекин бу манбалар барча миллатлар учун муштарак бўлмагани туфайли вақт ўтиши билан аксарияти унудилиб, фақат милод ва ҳижрат бошланғичлари қолган.

Тақвимнинг асосий бирлиги йил бўлиб, у ойларга, ойлар ҳафталарга, ҳафталар эса кунларга ажратилди. Йил ернинг қуёш атрофида, ой ойнинг Ер атрофида, кун ернинг ўз ўки атрофида айланишига қараб аниқланади. Табиийки, бу астрономик жараёнлар анча мураккаб кечади. Шу боис йилни ойларга, ойларни кунларга тақсимлаш масаласи азалдан турли халқларда ҳар хил йўсинда ҳал этилган ҳамда шамсий, қамарий ва шамсий-қамарий тақвимлар яратилган.¹

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД (LITERATURE REVIEW)

Ушбу мақолани тайёрлашда этнографлардан Ж. Фрейзер, Г. Снесарев, В. Басилов, С. Токарев, К. Шаниязов, Н. Лобачева, И. Жабборов, М. Жўраев, А. Аширов асарларида баён етилган назарий қоидалар ва услубий тавсияларга таянилди.

Мақоланинг манбалари сифатида ўз табиати ва аҳамиятига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўрганилди. Абу Райхон Беруний, Маҳмуд Қошғарий ҳамда И. Жабборов, А. Нарзиқулов, Ф. Раҳмонов, И. Умаров, М. Ҳакимовнинг Туркистон халқлари қўллаган тақвимлар ҳамда Т. Нуридиновнинг Ўзбекларнинг табиат, табиат мавсумлари ва ходисалари билан боғлик эътиқодлари, илохий кучлари ва маросимлари асар ва мақолаларига мурожаат қилинган ҳолда таҳлил этилди.

МУҲОКАМА (DISCUSSION)

Туркий халқларнинг энг қадимги ва ilk ўрта асрларда қўллаган тақвимлари, йил ҳисоблари ҳақида жуда оз маълумотлар сақланиб қолган. Бу хақда маълумот берувчи манбалар Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” ва Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотут турк” асарларидир.

Тақвим - вақт ўлчовлари билан боғлиқ тушунча бўлиб, кун, ҳафта, ой ва йилни ҳисоблаш тизими саналади. Вақт ўлчовларини белгилашда табиат ҳодисаларининг самовий ёриткичлар ҳаракати билан боғлиқ даврийлигига асосланади. Тақвим ҳисобининг асосини йил ташкил қиласи. Йилнинг давомийлиги турли халқларда турлича ҳисоб билан ҳисобланади. Йилнинг фасл

¹ <http://old.muslim.uz/index.php/rus/maqolalar/item/4912-ta-vimlar-tarikhiga-bir-nazar>

ва ойларга бўлинишига ва давомийлигига қараб тузилган тақвимлар қуидагиларга бўлинади 1) ой тақвими, 2) қуёш тақвими мавжуд.

Ой тақвимига ернинг табиий йўлдоши саналган ойнинг қуёш атрофида бир ойлик аниқ ҳаракати асос қилиб олинади. Ойнинг қуёш атрофидаги ҳаракати 29 кун, 12 соат 44 дақика 2 сония муддатга асосланади. Ойнинг ғарбда ўрок шаклида кўриниши ой боши ҳисобланади. Ойнинг бу ҳолати “Ҳилол” деб аталади. Ойнинг тўла ҳолатда айлана шаклга киришигача 14 кун вақт ўтади, ўн тўртинчи кунда ой тўлишади, бу тўлин ой арабларда эса бадр деб юритилади. Ўн тўрт кундан кейин ой кичрая бошлайди. Натижада 29 кунга келганда, баъзан 30 кунда ой кичрайиб кўринмай қолади. Бу ҳолатга ой шом ебди деб аталади. Янги ҳилолнинг кўриниши эса ойнинг туғиши деб аталади. Ойнинг дастлабки 14 кунида кечалар ёруғ бўлади, қолган 14 ёки 15 кунда эса кечалар қоронғи бўлади. Шунинг учун ҳам ойнинг 15 қоронғи, 15 ёруғ деган мақол ушбу ҳолатга асосланиб айтилган².

Ойнинг кўринишидан яна эски ҳолатига қайтиб келишигача ўтган муддат бир ойни ташкил қиласди. 29,5 куннинг 12 соати хар икки ойда бир кун қилиб қўшиб борилади. Шунинг учун ой тақвимида тоқ ойлар 30 кун, жуфт ойлар 29 кундан қилиб белгиланган. 12 соатнинг қўшимчалари (44 дақика 2 сония) тўрт йилда йиғилиб бир кун бўлади ва у кабиса йилининг ўн иккинчи ойи охирига 29 кунни 30 кун қилиб қўшиб қўйилади. Ой тақвимида оддий йил 354 кун, кабиса йили 355 кун бўлади. Ой тақвими мусулмон оламининг ҳижрий йил ҳисобига асос қилиб олинган³.

Воҳада совет ҳокимияти ўрнатилгунга қадар воҳа аҳолиси асосан иккита тақвим асосида иш юритган. Булардан биринчи ҳижрий йил ҳисоби, иккинчиси анъанавий қуёш тақвими яъни тўғал ҳисоби. Воҳа аҳолисининг кўпроқ мактаб ва мадрасада таҳсил олган қисми ҳижрий ҳисоб билан йилни ҳисоблашган. Оддий дехқонлар, чорвадор ва хунармандлар эса йил ҳисобини тўғал тақвимига асосланиб олиб боришган. Аммо шунга қарамасдан халқнинг орасида ҳижрий ҳисоб ҳам анча кенг қўлланилган бўлиб бу ҳисобга қўра рамазон рўзасини, мавлуд кунларини, ашур кунларини ҳамда қурбон ҳайитини белгилаш билан боғлиқ ҳисоб-китобларда кўпроқ қўлланилган.

Қуёш тақвими - бу тақвимга ернинг қуёш атрофини бир марта айланиб чиқиши муддати яъни - 365 кун 5 соат 48 дақика 46 сония асос қилиб олинган. Бир йилни ана шу муддат билан ҳисоблаш қадимги мисрликлар, эронийлар, хоразмийлар ва бошқа халқларнинг тақвимига асос бўлган.

² Дала ёзувлари, Бойсун тумани Паданг, Пулхоким, Кофирун ва Мунчоқ қишлоқлари. 2020 йил.

³ Нуридинов Т. Ўзбекларнинг табиат, табиат мавсумлари ва ходисалари билан боғлиқ эътиқодлари, илоҳий кучлари ва маросимлари. Сиёсатшунослик, ҳукуқ ва халқаро муносабатлар журнали. 2022. –Б 12-13.

Қуёш тақвимида бир йил 12 ойдан иборат. Ушбу тақвимга кўра бир йил 365 кун 6 соатни ташкил қиласди. Уч йил 365 кундан, оддий йил, тўртинчи йил эса оддий йиллардан ортиб қолган соатлар 1 кун қўшилиб 366 кунни ташкил қиласди бу - кабиса йили деб аталади. Ҳозирги вақтда дунё халқларининг аксарият қисми қуёш тақвимига асосланган йил ҳисобини қабул қилганлар. Шунинг учун ҳам ер юзидағи халқларнинг барча алоқа ва муносабатлари қуёш тақвими бўйича олиб борилади⁴.

Сурхон воҳаси турли ҳудудларига уюштирилган дала тадқиқотларига таяниб, шундай хulosага келдикки, халқимизнинг анъанавий тақвими аждодларимизнинг асрлар давомида синовдан ўтган ҳаётий тажрибалари ва меҳнат анъаналари асосида юзага келган. Шунинг учун ҳам ушбу тақвимда йил фасллари ва ҳар бир ойнинг моҳияти, табиатда бўладиган ўзгаришларнинг муддати, дехқончилик ва чорвачилик хўжалигини юритишнинг табиат ҳодисалари билан боғлик жиҳатлари ўз аксини топган. Халқимиз томонидан яратилган ҳафтномалар, ойномалар, йилномалар узоқ даврлар мобайнида аҳоли учун мукаммал қўлланмага айланган. Ушбу қўлланмаларда йил ва ойлар ҳолати, дала ишларини бажариш муддатлари баён қилинган. Ушбу қўлланмаларни мукаммал ўзлаштирган билимдонлар табиат ўзгаришларини олдиндан айтиб берувчи билгир, “ҳисобдон”, “дўғал”, “тажрибакор”, “юлдузчи”, “жуйрук” каби атамалар билан номланган.

Сурхон – Шеробод воҳасида ҳар бир қишлоқнинг ўз ҳисобдони бўлган. Одамлар далага экин экиш, парваришилаш, ҳосилни йифиб олиш муддатларини, ҳатто наврўз олдидан келгуси йилда қайси экиндан барака топиш мумкинлигигача ушбу билимдонлар билан маслаҳатлашиб иш кўришган. Ҳисобдонлар анъанавий тажрибаларга таяниб табиатда бўладиган ҳар хил ўзгаришларга, ўсимлик ва жониворлар ҳолати ҳамда осмон жисмларининг самодаги ўрнига қараб, келгуси ой об-ҳавосини олдиндан айтиб беришга ҳаракат қилганлар. Улар ҳатто кузда дараҳтлар баргининг тўкилиши, иссиқ ўлкаларда қишлийдиган қушларнинг учиб кетиш тартиби, ёғин-сочин миқдорига қараб кўклам қандай келишини ҳам тахмин қила олганлар.

Олим Ф. Раҳмоновнинг маълумотларига қараганда, ота-боболаримиз вақт ҳисобини юритишида қўйидаги усууллардан фойдаланишган: 1) Ернинг қуёш атрофидаги даврий айланишига асосланган Шамсий тақвим; 2) Ой фазаларининг ўзгариши ва ҳаракатига асосланган қамарий тақвим; 3) мавсумий қушларнинг кўкламги учиб келиши ва кузда иссиқ ўлкаларга қишлиш учун учиб кетиш муддатларига асосланган “қуш қайи” ёки “долға ҳисоби”; 4)

⁴ Ҳакимов М. Туркистон халклари қўллаган тақвимлар. – Тошкент, 1999. – Б 38.

Хулкар юлдузи билан ойнинг ҳаракат йўналишидаги муайян кесишув муддатларига асосланган “тўғал” ёки “тўқуш ҳисоби”; 5) ўлкамиздаги дарёлар сатхининг кўтарилиши муддатларини ўз ичига олган “тошув ҳисоби”; 6) дехқончилик йилидаги экинларни экиш, парваришлиш ва ўриб-йифиб олиш муддатларини англатувчи “дехқон ҳисоби”; 7) чорвадорларнинг чорва йили давомида бажарадиган удум ва амалларини ўзида мужассамлаштирган “чорва ҳисоби”; 8) ёз ва қишининг энг иссиқ ҳамда энг совуқ қирқ кунлик муддатлари билан боғлиқ халқ қарашлари асосида келиб чиққан “чилла ҳисоби”; 9) Ўзбекистоннинг табиий-иклимий шароитида экинларнинг пишиб етилиш муддатини белгиловчи “юз ҳисоби”; 10) фасллар алмашинуидаги фенологик қузатувлар маҳсули бўлган “тўқсон ҳисоби”; 11) юлдузлар ҳаракатини кузатиш асносида келиб чиққан “юлдуз ҳисоби”; 12) “мучал ҳисоби”⁵.

XX асрнинг иккинчи ярмига қадар тоғ аҳолиси ярим ўтрок турмуш кечирганликлари учун кўкламда яйловга бориб, кузда қишлоққа қайтишар, чорвани баҳорда яйловга хайдаш ҳам шунга қараб чиқарилар эди. Кўчиш олдидан албатта кунни ўнглаб, кейин йўлга чиқишиган. Кўпгина қишлоқларда кунни ўнг ёки чап эканлигини аниқлайдиган кун ўнгловчилар бўлган. Жанубий Ўзбекистонда олиб борилган этнографик дала тадқиқотларида икки турдаги юлдуз календари ёзиб олинган. Жумладан, Шеробод тумани Хатак қишлоғида тарқалган календар “Зухал” календари деб аталади. Юлдуз ойини аниқлаш бироз қийин бўлиб, бунда юлдузнинг 24 кунлик ҳаракатини синчковлик билан кузатишиган. Юлдуз янги ойнинг уч кунлик кўринишига қараб бошқарилади. Шу уч кундан ойнинг биринчи куни аниқланади. Агар ой уч кунлик бўлиб, масалан, чорshanба куни кўринса, демак, ойнинг биринчи кунини душанба деб ҳисобланади. Шунга қараб ойни охиригача санаш мумкин. Ҳар ойда учта бир бор: 1, 11, 21 - шу уч кунда юлдуз шарқда бўлади. Учта икки бор: 2, 12, 22 - юлдуз жанубий - шарқда бўлади. Учта уч бор. 3, 13, 23 - юлдуз жанубда бўлади. Учта тўрт бор: 4, 14, 24 - юлдуз жануби-ғарбда бўлади. Учта беш бор: 5, 15, 25 - юлдуз ғарбда бўлади. Учта олти бор: 6, 16, 26 - юлдуз шимоли-ғарбда бўлади. Учта етти бор: 7, 17, 27 - юлдуз шимолда бўлади. Учта саккиз бор: 8, 18, 28 - юлдуз шимоли-шарқда бўлади. Жами 24 кунни алоҳида ҳисобга олиб юриш керак. Юлдуз ҳар саккиз кунда бир айланади. Бир ойда эса уч марта. Шу даврда юлдузга қарама-қарши юрилмайди. Аксинча унга орқа томонга қараб юрилади. Масалан, агар жануб томон қўчмоқчи ёки юрмоқчи бўлса, юлдуз шимол

⁵ Раҳмонов Ф. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг дехқончиликка оид урф-одатлар ва маросимлари (XIX аср охири XX аср бошлари). – Тошкент: “Тафаккур”, 2010. – Б 92-93.

томонда бўлиши керак. Учта тўқиз - 9, 19, 29 кунлари юлдуз ерда бўлади. Шу кунлари юлдуз ҳеч томондан кўринмайди. Учта ўн - 10, 20, 30 кунлари эса, юлдуз осмонда бўлади. Ана шу олти кун ичида, яъни учта тўқиз ва учта ўнда одамлар бемалол исталган томонига йўлга чиқсан, кўчган ва тўйлар қилишган⁶.

Юлдуз ойининг биринчи куни шарқ томонда бўлади. Иккинчи ва учинчи айланишида ҳам шарқ томонда бўлади. Юлдузни аниқлаш учун григориян календари ярамайди. Бунинг учун фақат ой календаридан фойдаланиш лозим. Ой календарида ҳар ойининг боши уч кунлик ой кўринган чоршанба куни кирса, ўша кундан бошлаб юлдузни аниқлаш бошланади.

Шеробод тумани, Қизилолма қишлоғидаги мавжуд календар “тўғол” деб аталади. Бу календарда Ҳулкар, Тарози, Жарқировик ва Қамбар бурjlари бор. Қамбар буржи чаёнга ўхшаб туради ва доимо осмонда туради. Ҳулкар - 21 июндан 21 июлга қадар кўринади ва тўқизта юлдузлар туркумини ўз ичига олади. Тарози - тарозига ўхшаш бўлиб, 3 юлдуздан иборат бўлади. Тарози юлдузи 21 июндан 21 августга қадар осмонда кўринади. Жарқировик - битта ёрқин юлдуз бўлиб, 21 августдан 21 сентябрга қадар кўриниб туради.

Қамбар юлдуз буржи билан ой бир-бирига яқинлашган пайт “тўғол” дейилади. Бу ҳолат ҳар ой давом этиб, 2,5-3 кунни ўз ичига олади. Тўғол январдаги 23 - санадан бошланади ва ҳар ойда 2 кундан қисқариб боради.

Шу ойининг фақат 10-куни кўчиш мумкин. Ушбу тақвим ой чиқишидан бошланади ва ой йўналиши бўйича юрилади. Аҳоли бирон жойга чиқмоқчи бўлишса, бошқа йўналишдан юриб, белгиланган манзилга этиб олишади. Бироқ тугол кунлари бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтилмайди, келин олинмайди. Тўғол яшин тезлигига ўтиши мумкин деб ҳисобланади⁷.

Воҳа аҳолиси орасида вақт ҳисобини юргизишнинг ҳижрий - Шамсий тақвими кенг тарқалган. Бунда ойларнинг номи кўпинча арабча номлар билан аталган. Масалан, ойларнинг номлари қўйидагича: ҳамал (қўй), савр (буқа), жавзо (эгиз киз), саратон (қисқичбақа), асад (арслон), сумбула (бошоқ), мезон (тарози), ақраб (чаён), қавс (ёй), жадий (эчки), далв (қовға), хут (балиқ)⁸. Зироаткор аҳоли азалдан ўзларининг фаолиятини фенологик кузатиш асосида йўлга қўйганлар. Аҳоли илмий метеорология ва астрономиядан бехабар бўлишига қарамасдан асрлар давомида табиатни изчил кузатиш натижасида орттирган оддий ҳаётий тажриба асосида халқ календари (дехқон тақвими)ни ишлаб чиқишиган.

⁶ Umarov I. Housing ceremonies in surkhan oash. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science halqaro jurnalı. 2020. –Б 343-345.

⁷ Умаров И. Кўхитангтог қишлоқлари аҳолисининг номоддий маданиятининг этник ва локал хусусиятлари. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. –Термиз, 2022. –Б 46-48.

⁸ Нарзиқулов А. Дехқон тақвими. – Тошкент: Мехнат, 1991. – Б 4-5.

Қишлоқ хўжалигида қўлланилган халқ тақвимида ҳар бири 90 кунлик муддатни ўз ичига олган фасллардан ташкил топган: булар баҳорги тўқсон (ҳамал, савр, жавзо), ёзги тўқсон (саратон, асад, сумбула), кузги тўқсон (мезон, ақраб, қавс) ва қишки тўқсон (жадий, далв, хут). Ёзги жазирама иссиқ ва қишки совуқ даврлар катта ва кичик чиллага бўлинган. Ўрта Осиё халқлари, жумладан, минтақа деҳқонлари ҳам қиши икки қисмга бўлишган: катта чилла, кичик чилла. Баҳорнинг келиши ҳамалдан, жанубий туманларда эса хутдан бошланган. Баҳор ойининг кутилиши, яъни кўкламги деҳқончилик ишларининг бошланиши юлдузлар ҳолатига, илк қушларнинг учиб келиши ва бошқа фенологик кузатишларга қараб белгиланган⁹.

Сурхон - Шеробод воҳаси аҳолиси ҳам аждодларимиз томонидан ишлаб чиқилган ва юлдузлар ҳаракатига асосланган йил фаслларини белгилашнинг буржлар билан боғлиқ жиҳатларини ҳам назардан қочирмаган. Булар: буржи обий (баҳор), буржи норий (ёз), буржи бодий (куз), буржи ҳокий (қиши)¹⁰. Дала кузатувлари жараёнида тўпланган маълумотларга кўра, деҳқонлар ва чорвадорлар юлдузларга ҳар қандай номни беришмаган. Уларнинг шаклига қараб, ўша юлдузлар чиққан пайтда табиатда қандай ўзгаришлар содир бўлган ёки бу хатти-харакат, ҳолат қайси ҳайвонникига ёки бошқа нарсага ўхшаган бўлса, кўпроқ ана шуларни эътиборга олишган. Умуман олганда, юлдузлар деҳқоннинг ўрадиган ғалласи, чорвадорнинг қўрадаги қўзиси бўлган¹¹.

Сурхон воҳаси аҳолиси ўзларининг турмуш тарзини, анъанавий хўжалигини, рўзгорда иш юритиш фаолиятини шунингдек, тўй-томуша, байрам ва анъанавий маросимларни юлдуз ва сайёralарнинг, ой-кунларнинг ҳаракатига ва об-ҳавонинг қандай келишига қараб амалга оширишган.

Воҳада кўпгина ҳисобдонлар Ҳулкар, Жарқировиқ ва Тарози юлдузининг кўринишига қараб кўпгина мавсумий тадбирларни амалга оширишган.

НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS)

Мақолада замонавий этнологик усуллар ва янги илмий ёндашувлар асосида Сурхон воҳаси аҳолисининг анъанавий тақвимлари ва йил фасллари билан боғлиқ қарашлари ва астрономик кузатишларини ҳар томонлама маҳсус ўрганиш амалга оширилди; Сурхон воҳаси аҳолисининг тақвимий ҳисоб-китоблари уларнинг астрономик асослари таҳлил қилиниб ёритиб берилди.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION)

Сурхон - Шеробод аҳолисининг анъанавий халқ тақвимлари табиат ҳодисаларини чуқур ўрганиш ҳамда фенологик кузатувлари асосида ишлаб

⁹ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Б. 102-103.

¹⁰ Нарзикулов А. Деҳқон тақвими. -Б. 13-61.

¹¹ Дала ёзувлари. Шеробод тумани Хитой қишлоғи, 2023 йил.

чиқилган. Бу тақвимлар халқимизнинг асрий анъаналарини ўзида жамлаган. Бундан ташқари воҳа аҳолиси ҳижрий ҳисоб билан ҳам йил ҳисобини юритишган. Бу иккала тақвим бир тартибда халқнинг орасида кенг қўлланилган ва иккала тақвим ҳам бир-бирини инкор қилмаган. Шу боисдан ҳам Григориян календари кириб келгунга қадар воҳа ахли ушбу иккала тақвимдан унумли фойдаланишган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Абу Райҳон Беруний Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 133-152
2. Маҳмуд Қошғарий Девону луғотит-турк. – Тошкент: Фан, 1-жилд, 1963. – Б. 460
3. Нарзиқулов А. Дехқон тақвими. – Тошкент: Мехнат, 1991. – Б. 13-61
4. Ҳакимов М. Туркистон халқлари қўллаган тақвимлар. – Тошкент, 1999.
5. Раҳмонов Ф. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг дехқончиликка оид урфодатлар ва маросимлари (XIX аср охири XX аср бошлари). – Тошкент: “Тафаккур”, 2010. – Б 92-93.
6. Umarov I. Housing ceremonies in surkhan oash. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science halqaro jurnali. 2020. –В 343-345.
7. Умаров И. Кўҳитангтоғ қишлоқлари аҳолисининг номоддий маданиятининг этник ва локал ҳусусиятлари. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. –Термиз, 2022. –Б 46-48.
8. Хайдаров, О. Э. (2022). СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЁЗ ВА КУЗ МАВСУМИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАРИ ВА УРФОДАТЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(7), 134-140.
9. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Б. 102-103.
10. Нуридинов Т. Ўзбекларнинг табиат, табиат мавсумлари ва ходисалари билан боғлиқ эътиқодлари, илоҳий кучлари ва маросимлари. Сиёsatшунослик, ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар журнали. 2022. –Б 12-13.
11. Даля ёзувлари, Бойсун тумани Паданг, Пулҳоким, Коғириун ва Мунчоқ қишлоқлари. 2020 йил.
12. Даля ёзувлари. Шеробод тумани Хитой қишлоғи, 2023 йил.